# САНСАЛОРЛИК

## УНДАН КИМ ФОЙДА, КИМ ЗИЁН ТОПАДИ?

*Ўтган йилнинг айни қирчиллама қиш кунларининг бирида Шўрчи туманидаги “Ободон” ширкат хўжалиги вакилларининг йиғилиши қарорига биноан “Қора-Ариқ” ҳудудидаги ер майдони деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратиб бериладиган бўлди. Бундан хабар топган Ойдона Худойбердиева ҳам зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди. Шу пайтга қадар ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида ишлаб келган опа эрта тонгдан далада меҳнат қилиб, идорама-идора сарсон бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Асли деҳқон-да, расмиятчиликдан жуда узоқ эди...*

Қисқаси, Ойдона Худойбердиева біровни опа, бировни ука, дея барча ҳужжатларни тайёрлаб, фермер хўжалик тузиш ҳақидаги ариза билан туман ҳокимиятига мурожаат қилди. Ҳокимиятдагилар ҳам Ойдона опанинг қўлидаги барча ҳужжатларни кўздан кечириб чиққач, масалани ижобий ҳал этишга ваъда этишди. Опа қараса, барча ишлар рисоладагидек кетаяпти. Табиийки, бундан у мамнун бўлди. “Фаришта給ларнинг ўзи омин деган бўлса керак, ишларим тез битадиганга ўхшайди”, деб ўйлади у. Аммо... барча оворагарчилик ана шундан сўнг бошланди...

Ойдона Худойбердиеванинг деҳқон-фермер хўжалиги тузиш ҳақидаги аризасига туман ҳокими имзо қўйиб, масалани ҳал этишни туман комиссияси раиси Е.Маматмуновга йўллади. Ўз навбатида комиссия аъзолари бўлажак фермернинг аризасига кўра, барча ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, ер ажратиш мақсадга мувофиқ, деган хулосани комиссия раисига ҳавола этишди. 2002 йилнинг 6 ноябрь куни туман ҳокимига фермер хўжалигини юритиш учун ер ажратиш тўғрисидаги мурожаати комиссия аъзолари томонидан мақсадга мувофиқ, деб топилганича изсиз кетди. Орадан 5 ой ўтган бўлса-да, бирон-бир натижа кўринмади.

О.Худойбердиева ўзи яшаётган “Гулистон” маҳалласидан ҳокимият биносига бўзчининг мокисидек қатнайвериб, қаҳратон қиш кунларининг ҳам, ундан сўнг баҳор фаслининг ҳам қандай ўтиб кетганини сезмай қолди. Фермер хўжалиги ташкил этиш ташвиши унга тинчлик бермасди.

Ҳокимлик эса, негадир ер майдонларини ажратиш комиссиясининг хулосасини қабул қилган бўлса-да, қарор чиқаришга унчалик шошилмасди.

Ойдона Худойбердиева қараса, ҳалигина фаришталар омин, деб турган ниятини шайтон илиб кетадигандек... Орадан беш ой ўтган бўлса-да, ҳокимликдан натижа чиқмагач, адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ариза бўйича ўтказилган текширишда О.Худойбердиеванинг талаби қонун даражасида эканлиги қайд қилинган 423-ф-3-сонли адлия бошқармаси томонидан юборилган талабнома ҳам сувга отилган тош каби чўкиб кетди.

Адлия бошқармаси бу ҳақда шу йилнинг 6 январ кунида туман ҳокимлигига “ёддан” чиққан талабномани эслатиб, қайта расмий ҳужжат жўнатди. Ҳокимиятдагилар сал ҳушёр тортишди шекилли, С.Бегматов бошқармага алоқа хати юбориб, **“фуқаро О.Худойбердиеванинг аризасига кўра фермерга 10 гектарлик ер майдони ажратиш тўғрисида 2002 йил 9 февраль кунидаги У.Дониёров номидаги ширкат хўжалигининг 1-сонли қарори туман ҳокимлигига тақдим қилинмагани, шунингдек, О.Худойбердиева фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиб бериш тўғрисида ҳокимликка ариза билан мурожаат этмаган”**, деган важларни баён этган.

Ойдона Худойбердиеванинг фермер бўлиши аччиқ ичакдек чўзилиши сабабини энди англаган чиқарсиз?! Барча расмий ҳужжатларни жамлаб, ҳокимиятга топширгач, опахон ярим йилдан буён “масалам нима бўлди?” - дея ҳокимиятга кунора қатнаб турган бир пайтда ҳокимликдаги масъул ходим “Опа, бу ёққа келинг, мана бир варақ оқ қоғозни қораланг-да, ширкат хўжалик бошқарувининг сизга ер ажратиш тўғрисидаги қарорини олиб келинг, ишингиз битади”, деса, осмон узилиб ерга тушмасди...

Вилоят адлия бошқармаси томонидан юборилган талабнома, эслатманомалар Термиздан Шўрчи туман ҳокимлигига бориб-келавериб, ниҳоят, 2003 йил 5 июн кунидаги Шўрчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Маматмуновнинг 01-10/536-сонли алоқа хатида 2003 йилнинг 15 май кунида “Ойдонахон” фермер хўжалигига 10 гектар ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилгани қайд этилган.

Шу билан бу муаммо тўлиқ ижобий ҳал этилади, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Нега деганда, туман ҳокимининг бу масала юзасидан

Dakki

қарори чиқмагандан сўнг фермерга ер ажратиш тўғрисидаги ваъда насияга ўхшаб кетарди. О.Худойбердиева яна ҳокимиятга қатнайверди. Ниҳоят, туман ҳокимининг 2003 йил 20 июн кунидаги қарори билан “Ойдонахон” фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилиб, унга 10 гектарлик ер ажратиш тўғрисидаги У.Дониёров номидаги ширкат хўжалигининг 2002 йил 9 февраль кунидаги 1-сонли умумий йиғилиш қарори тасдиқланди.

Адолат қарор топгандай бўлди. Аммо фермерга ер ажратиш тўғрисидаги ширкат хўжалигининг бундан бир йилу икки ой илгари чиқарган қарорини ҳокимлик томонидан тасдиқланиши учун йилнинг тўрт фасли базўр этди.

Бу орада адлия бошқармаси ходимларининг фермер О.Худойбердиева аризаси юзасидан ўтказган текширув, юборилган талабнома, эслатномаларнинг ойлаб беҳуда қолиб кетганини ўйласангиз, Шўрчи туманида фермер бўлиш осон эмас, деган хаёлга борасиз. Аслида бу масала ўз вақтида ижобий ҳал этилганда эди, қанчадан-қанча масъул ходимларнинг оворагарчилиги, оқ қоғозларнинг қораланмаслиги, асаббузарлик каби ҳолатларга ўрин қолмасди. Ахир, ҳар бир ариза ортида инсон тақдири туради-ку...

**Собир КАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Bugunning gapi

# ШАРТНОМА – МАЖБУРИЯТ МЕЗОНИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Иложи йўқ тўловни зиммасига олгани, шеригини қийин молиявий ҳолатга дучор этаётганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Хоразмлик фермер шериги ваъдасига вафо қилишини ойлаб кутди. Ниҳоят, молининг пулини сўраб, Самарқандга йўл олди.

Бундан ҳам наф чиқмади. Орадан 3-4 ой ўтказиб, тағин йўлга чиқди. Афсуски, бу галги уриниш ҳам зое кетди. Харидор гуручнинг пулини барибир тўламади. Хуллас, 5 кунлик муҳлат бир йилга чўзилди.

Башарти, қарз муҳлатида узилса, фермернинг бир пули шубҳасиз, иккиига айланарди. Шундан сўнг унга яқин дўстларидан бири вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишни, ҳеч бўлмаганда, “Ишонч” телефонига хабар қилишни маслаҳат берди.

Ариза ёзиш-ку қочмас, аммо “Ишонч” телефонидан зудлик билан фойдаланиш зарур. Фермер вилоят адлия бошқармаси билан алоқа боғлади. Бошқарма ходимларига телефон орқали қилинган мурожаатнинг ўзи етарли бўлди. Фермернинг шикояти юзасидан махсус “иш” очилди. Ҳужжатлар эса шубҳасиз фермер тараф бўлди. Аниқландики, фермер ушбу унмаган маблағни йил давомида “айлантира” олса, унинг миқдори ҳадемай 2 миллион сўмдан ҳам ортиб кетиши мумкин экан. **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги миқдор пулга 640 минг 575 сўмлик (ҳар кунига 0,4 фоиз) устама, 192 минг 172 сўмлик жарима, 200 минг сўмлик маънавий зарар қиймати ҳам қўшиб ҳисобланди. Энди масаланинг бу жиҳати судда якун топиши шубҳасиз.

Бироқ бу муаммонинг бошқа жиҳати ҳам бор. Ҳамма иллат шартномавийлик аҳдлашувчи томонлар учун чинакамига мажбурият мезонига айланмагани билан изоҳланади. Бунинг оқибатини тасаввур этиш қийин эмас. Узилмаган қарз, албатта, “болалайди”, миқдори эса ҳаш-паш дегунча минг-миллионларга етади. Хўш, у кимнинг ва ниманинг ҳисобидан қопланади?

Шу йил вилоят адлия бошқармаси фермерларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, уларга тўланмай қолган жами 14 миллион 184 минг 395 сўмлик асосий қарздан ташқари, бу пайтга келиб, ҳажми бир неча миллион сўмга етган устама ва жарималарни ундириш бўйича хўжалик судига 96 та даъво аризаси билан мурожаат қилди. Судда барча даъво аризалари тасдиғини топиб, фермер хўжаликларига тўланиши зарур бўлган асосий қарздан ташқари, 2 миллион 212 минг 594 сўмлик устама ва 662 минг 383 сўмлик жаримани қарздорлар ҳисобидан ундиришга қаратилган қарорлар чиқарилди. Агар улар қарзни ўз вақтида тўланганида, бунча миқдордаги устама ва жарима маблағ жавобгар ҳисобланмиш томоннинг ўзига қоларди.

Хўш, бу пулларни ким тўлаган, дерсиз. Айбдорлар — Янгиариқ ва Хива туманлари “Пилла” ҳиссадорлик жамиятлари. Суд жавобгар, деб топгач, катта миқдордаги устама ва жаримани ҳам табиийки, улар тўлайдиган бўлишди. Суд жами 5 миллин 332 минг 806 сўм пулни Янгибозор ва Урганч туманлари “Пилла” ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан қоплаш бўйича ҳам айбдорлар зиммасига тегишли мажбуриятлар юклади. Шу ўринда масаланинг эътиборни тортадиган яна бир жиҳати бор. Агар разм солинса, тўлов бўйича шартномаларнинг энг кўп бузилиши “Хоразм-пилла” очиқ акциядорлик жамиятининг жойлардаги корхоналари айби билан содир бўлаяпти. Вилоят адлия бошқармаси томонидан маҳсулот етказувчиларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ниятида олиб борилган назорат тадбирлари чоғида Янгиариқ ва Хивадаги 51 та фермер хўжалигидан ташқари Хонқа туманидаги 5 та ширкат хўжалиги ҳам ўзининг 2002 йили топширилган 19 миллион 151 минг 315 сўмлик маҳсулоти ҳақини ҳанузгача тўлиқ ундириб ололмаётгани маълум бўлди.

Аниқланишича, ана шу учала туман ҳиссадорлик жамиятлари ўтган йили хўжаликлар томонидан етказиб берилган пилла хом ашёсини сотишни удда қилолмаган. Оқибатда, омборларни тўлдириб турган пилла табиийки, даромад келтирмаган. Қизиқ, маҳсулот нега сотилмади? Афтидан, бу масалада мутасаддиларга чинакам ишбилармонлик салоҳияти етишмаган. Агар шундай бўлмаганида, бошқалар уддалаган ишни улар ҳам қойиллатган бўлишарди. Шартномавий мажбуриятларга нисбатан масъулият етишмагани ва нўноқлик жамият учун қимматга тушди. Энди у асосий қарздан ташқари устама ва жарима ҳам тўлайди.

Бундай чиқим ва можарога бу йил Шовот туманидаги Беруний номидаги ширкат хўжалиги ҳам дуч келди. Ширкат хўжалиги бошқаруви қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 83 та пудратчи оила билан 2002 йил бошида тузилган ички хўжалик шартномасини орадан бир йил ўтса ҳамки, бажармади. Пудратчилар эса сўзида собит туришди. Зиммадаги шартномавий мажбуриятларини ўз вақтида уддалашди. Аммо унинг ҳақини олишга келганда... Пудратчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи “ёшулли”лар томонидан бузилди. Ҳақсизликка раҳбарлар, ҳатто заҳматкаш деҳқонлар ҳам тоқат қилиб келишди. Бироқ унга қонуннинг муносабати бошқача. Иш фуқаролик судида кўрилди. 83 нафар пудратчининг ҳақ экани далиллар асосида исботланди. Хўжалик бошқаруви, суднинг қарорига кўра, пудратчиларга жами 1 миллион 538 минг 352 сўмни қуртдай санаб беришга мажбур бўлди.

Бировнинг ҳақига хиёнат қилишни қонун ҳам, виждон ҳам кечирмайди. Ҳадисларда ҳам қарзни узишга бўлган лоқайдлик, виждонсизлик катта гуноҳ, гардандаги энг оғир юк сифатида қайд этилади. Инсон зоти бу каби оғир юклардан ўзини холи этишга жаҳд этмас экан, ўзига бўлган ишонч ва ҳурматини буткул йўқотиши турган гап.

Эс-ҳушли одамлар ким бўлиши ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қарз юки ва масъулиятини доимо ҳис қилиб туришади. Уни ҳис этмаганлар эса пировардида қарз тўлаш билан ҳам маломатдан халос бўлишмайди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Faoliyat

# БАНК ВА ТАДБИРКОР

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

“Тадбиркорбанк”нинг Ургут туман бўлимида эса **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолларi мавжуд. Хусусан, “Малҳам” хусусий дорихонаси томонидан 1 миллион 500 минг сўм, “Бунёдкор” масъулияти чекланган жамият 6 миллион сўм миқдорида кредит ажратишни сўраган ҳар икки мижознинг кредит шартномаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган, банк хулосаси берилмаган. Айни шундай ҳолни “Суръат”, “Мулла Аҳмад” фермер хўжаликлари билан тузилган кредит шартномаларида ҳам учратиш мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият “Миллийбанк”нинг Нуробод туман бўлимидаги аҳвол ҳам мақтагулик эмас. Банк муассасасига 2002 йил давомида тадбиркорлардан келиб тушган 32 та, шу йил бошидан 1 апрелга қадар 14 та кредит аризалари девонхона орқали умумий китоб кирим қилинмасдан ижро этиб келинган.

Кредит бўлими китобида фақат кредит ажратиб қаноатлантирилган аризалар қайд этиб борилган. Бу тадбиркорлардан кредит сўраб келиб тушган мурожаатларнинг турли важлар асосида рад қилиш ҳоллари яширилганини кўрсатади.

Айни шундай қонунбузилиш ҳолати “Халқбанк”инининг Лоиш бўлимида ҳам содир этилган. Тартибга кўра, тадбиркордан тушган ариза аввал банк муассасасининг умумий кирим китобида қайд этилиши, сўнгра кредит бўлимига ижро учун юборилиши керак. Лекин бу ерда бундай йўл тутилмаган. Бундан ташқари, мазкур банк томонидан Адлия вазирлигида 2000 йил 29 февралда 902, 903 ва 907-сон билан давлат рўйхатига олинган Тартибларга зид равишда тадбиркорлардан кредит шартномаси тузмасдан ҳужжатлар талаб қилиш ва уларнинг асл нусхаларини ҳамда ортиқча ҳужжатлар олишдек қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Бунга “Шарқ” масъулияти чекланган жамиятни мисол келтириш мумкин. Мазкур жамиятга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадлари учун 2 миллион сўм кредит маблағи ажратишда таъминот сифатида гаровга қўйилган “Тико” русумли автомашинанинг суғурта шартномаси ва суғурта полисининг асли банкда сақланаётганини қандай тушунса бўлади?

Юқоридагидек қонунбузилиш ҳоллари “Пахтабанк”, “Савдогарбанк”, “Халқбанк”инининг Зиёвуддин бўлимлари фаолиятларида ҳам учрагани ачинарлидир.

Вилоят адлия бошқармаси аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва айбдор ходимларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш юзасидан вилоят банк муассасалари раҳбарлари номига тақдимномалар киритди. Бундан ташқари масъул мансабдор шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Банк билан мижоз ўртасида англашилмовчилик, тушунмовчилик бўлмаслиги керак. Бунинг ягона йўли банк фаолиятига доир қонунлар, Тартиб ва Йўриқномаларни банк муассасалари ходимлари чуқур ўрганиб, унга қатъий амал қилишлари зарур. Ана шунда банк ҳам, мижоз ҳам, жамият ҳам кўпроқ манфаат кўради.

**Пўлат АҲМЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Осмон туташган ерлар*

Gazetxon xat yo`llabdi

# “ИНСОФГА КЕЛАРМИКАН?”

Бундан анча йил муқаддам яхши ниятлар билан Ҳусанбой Жўрақулов билан турмуш қуриб, ўғил-қиз фарзандли бўлдик. Турмушимиз яхшиланиб бораётган эди. Аммо 1990 йилда қайнонам мени икки нафар фарзандим билан уйдан ҳайдади. Орадан бир йил ўтгач, суд орқали қонуний ажрашдик. Пешонамда бор экан деб, бунга ҳам кўндим.

Суд қарорида собиқ турмуш ўртоғим болаларимга алимент тўлаши лозимлиги кўрсатиб ўтилганди. Лекин болаларининг тақдири билан бирор марта қизиқмаган тошмеҳр ота буни хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Мен Шаҳрихон туманида яшайман, собиқ турмуш ўртоғим Олтинкўл туманидаги “Иттифоқ” хўжалигида ишлаши боис алимент нафақасини ўша ердан олишим керак. Бироқ уч йилдан буён у ерга қатнасам-да, бир сўм ҳам пул ололмаяпман.

Бу ёқда эса болаларим бўй етиб қолишди. Ўзим 2-гуруҳ ногиронман, сиҳат-саломатлигим яхши эмас.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман: маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари ўзларига берилган жуда катта ҳуқуқлардан нега фойдаланишмайди? Улар эримга ўхшаган, болаларини ташлаб қўйган, алимент тўламайдиган бемеҳр оталарни жамоатчилик ўртасида уялтиришмайдими? Ҳеч бўлмаса, хотин-қизлар кенгашлари менга ўхшаганларнинг ёнини олмайдими?

Ахир, мен бегонадан эмас, болаларимнинг отасидан уларнинг қонуний ҳақини талаб қилаяпман. Бағритош ота шу ёзганларимни ўқирмикан, кўнглида заррача оталик меҳри қолган бўлса, пушаймон бўлиб, бурчини эслаб қолармикан?

**Кимёхон САЙДАЛИЕВА,**
**Шаҳрихон тумани, “Ҳақиқат” ширкат хўжалиги**

Qonun ko`magi

# ШАРТНОМА ЎЗ КУЧИНИ КЎРСАТДИ

“Шаҳло” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси бошлиғи Ҳасанбой Авазов билан хусусий тадбиркор Убайдулла Мингбоев ўртасида 2001 йилнинг 25 октябр куни 10-25-сонли шартнома имзоланган эди. Унга кўра “Шаҳло” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси сотувчи хусусий тадбиркор У.Мингбоев эса харидор бўлади. Хуллас, ўша ҳужжатга асосан У.Мингбоев ҳар бир донаси 700 сўмдан бўлган 9300 дона 6.510.000 сўмлик “конъяк” ичимлигини 2001 йилнинг 25 октябр куни 21-сонли юк хати билан олди-сотди савдо ишлари амалга оширилади.

Шартнома шартига кўра, олинган маҳсулот қиймати 10 кун ичида сотувчига қайтарилиши керак эди. Аммо хусусий тадбиркор маҳсулот қийматини тўлашни пайсалга сола бошлади. Икки томонлама имзоланган шартнома шу йилнинг август ойида ўз кучини кўрсатди.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси “Шаҳло” хусусий ишлаб-чиқариш савдо фирмасининг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига даъво аризасини киритган эди. Мазкур даъво ариза шу йилнинг август ойида кўриб чиқилди.

— Ҳақиқатдан ҳам, “Шаҳло” хусусий ишлаб-чиқариш савдо фирмасидан “коняк” ичимлигини олганим рост, — дея даъвони тан олди Убайдулла Мингбоев, — аммо маҳсулотнинг сифатига эътибор берилмаган экан. Шу сабабли “конъяк”ларни тезда сотиб юбора олмадик. Натижада олинган маҳсулотнинг қийматини ўз вақтида тўлашнинг имкони бўлмади.

— Бизда “қўлбола” конъякларнинг ўзи бўлмайди, — деб изоҳ берди суд мажлисида иштирок этган “Шаҳло” хусусий фирмасининг вакили Ҳамиджон Жабборов, — хусусий тадбиркор ҳар хил баҳоналар билан ҳанузгача олинган маҳсулотнинг қийматини бермай келяпти. Натижада биз моддий томондан анча қийинчиликка учрадик.

Суд жараёнига Илёс Мадраҳимов ҳам гувоҳ сифатида иштирок этди. Чунки у шахсий “Камаз” русумли давлат рақами “15-Д 5126” белгили автомашинасида уч юлдузли конъяк ичимликларини Самарқанддан Қўқонга олиб келган эди.

Суд ҳайъати суд мажлисида иштирок этган даъвогар, жавобгар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланиб, **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонуннинг 32-моддаси талабларига риоя этишни лозим топди. Чунки маҳсулот етказиб берилганлигини жавобгарнинг ўзи ҳам инкор этмайди. Маҳсулот қабул қилиб олинган. Бироқ олинган маҳсулотнинг қийматини қайтариш харидор томонидан асоссиз равишда ўз вақтида бажарилмаган. Суд жавобгарнинг маҳсулот сифатсиз эди, деган важига танқидий баҳо берди. Чунки бу ҳақда, яъни маҳсулот сифати тўғрисида махсус лаборатория хулосасини олмаган. Жавобгар маҳсулотни қабул қилишни рад этиб, қайтариб юбормаган.

Суд ҳайъати Фуқаролик процессуал Кодексининг 203—206-моддаларини қўллаб қарор қилди. Унга кўра, “Шаҳло” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси бошлиғи Х. Авазов манфаатини кўзлаб У.Мингбоевдан 6.510.000 сўм асосий қарз, 325.5000 сўм устама, 9.76500 сўм жарима — жами 10741500 сўм ундириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантирди. Бундан ташқари, У.Мингбоевдан давлат фойдасига 2148300 сўм давлат божи ҳам ундириладиган бўлди.

**Миродил ФАЙЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

***Назорат қилувчи идоралар фаолиятини тартибга солиш Республика Кенгашининг 2002 йил 27 декабрдаги қарорига асосан Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг шу йил 12 февралдаги 108-хс-сонли буйруғига асосан бошқарма валюта назорати сектори бошлиғи Т.Кенжаев ва Чирчиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг шу йил 13 февралдаги 48-хс-сонли буйруғига асосан инспекция назорат бўлими бошлиғи Р.Абдиевалар томонидан шу йилнинг 13-27 феврал кунлари “Ўзуйжойжамғармабанк”нинг Чирчиқ шаҳар бўлимида текшириш ўтказилади.***

# ТАҚДИМНОМАГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК

## У ҚОНУННИ МЕНСИМАСЛИКМИ ЁКИ ТУШУНМАСЛИК?

Текшириш натижасида 75000592 сўм солиқ ва йиғимлар давлат бюджетига тўланмагани тўғрисида далолатнома тузилади. Ҳолбуки, бу даврларда “Ўзуйжойжамғармабанк” ва унинг бўлимлари Президентимизнинг 1996 йил 31 январдаги “Тошкент шаҳрида уй-жойлар қурилишини Давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги ва 1997 йил 24 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилишини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларига асосан барча солиқ тўловларидан 5 йилга озод қилинган эди. Бу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 мартдаги 08/130-22-сонли хати билан тасдиқланган Молия вазирлигининг 2001 йил 2 мартдаги ТД/04-03-09/33-сонли хатида ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган бўлса-да, солиқ ходимлари унга эътибор бермаган. Шу боис банк раҳбарлари текшириш далолатномасига имзо қўймасдан, далолатномада кўрсатилган масалани ўрганиб чиқиб, қонуний ҳал қилиб беришини сўраб Солиқ қўмитаси эксперт комиссияси ва Тошкент вилояти Солиқ бошқармасига ёзма равишда эътирознома билдиришади. Лекин солиқ қўмитасининг эксперт комиссияси ва Тошкент вилояти Солиқ бошқармаси эътирозномани эътиборсиз қолдиради. Аксинча, Тошкент вилояти солиқ бошқармаси шу йилнинг 28 феврал куни солиқ ундириш ва молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилиб, банкка нисбатан солиқ учун 59261 минг сўм, 33363 минг сўмлик молиявий жарима, жами — 92624 минг сўмлик “инкасса” топшириқномаси қўйиб, уни тўлашни талаб қилади. Шундан сўнг банк раҳбарлари Адлия вазирлигига мурожаат этишга мажбур бўлишади.

Ушбу шикоят Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан жиддий ўрганиб чиқилди ва Тошкент вилояти Солиқ бошқармасининг қарори қонунчилик талабларига зид экани аниқланди.

Шу сабабли вилоят адлия бошқармаси “Ўзуйжойжамғармабанк”нинг Чирчиқ шаҳар бўлимига нисбатан қўлланилган молиявий жаримани бекор қилиш ҳақида Тошкент вилояти Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи М.Комилов номига 11 март куни 02-1/580-рақамли тақдимнома киритди.

Шуниси ажабланарлики, вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти тақдимномани бажариш ўрнига турли баҳоналар билан ўзларининг ҳақ эканлигини исботлашга ҳаракат қилишди. Хусусан, вилоят солиқ бошқармаси раҳбари М.Комиловнинг имзоси билан 2003 йил 1 апрелда юборилган жавобда шундай дейилади: “Ўзуйжойжамғармабанк”нинг Чирчиқ шаҳар бўлимининг Марказий банк томонидан рўйхатга олингани ҳолати унинг давлат рўйхатидан ўтганини билдирмайди, чунки Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли ва 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарорларига асосан давлат рўйхатига олиш ваколати Адлия вазирлиги ва жойлардаги ҳокимият идораларига берилган. Шунга асосан “Ўзуйжойжамғармабанк”нинг Чирчиқ шаҳар бўлими алоҳида юридик шахс сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмагани сабабли ушбу банк учун имтиёз муддати алоҳида ҳисобланмайди”.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: наҳотки шундай нуфузли идора раҳбарлари барча учун баробар бўлган қонунлар шарҳини тушунмаса?

Негаки, Давлат солиқ қўмитаси раиси муовини Э.Гадоевнинг имзоси билан 2001 йил 5 апрелда 13/1-2149-рақами билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаларига юборилган хатда “Ўзуйжойжамғармабанк” тизимидаги банк бўлимларига Марказий банки-

Ijro mas`uliyati

дан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 5 йил муддатга белгиланган имтиёзлар берилиши қайд этилган. Шунингдек, ушбу топшириқ назоратга олинган.

Бу эса вилоят Солиқ бошқармасининг ҳақиқатни тан олиш ўрнига ўз ноқонуний хатти-ҳаракатларини билатуриб хаспўшлаётганини исботлайди.

Қисқаси, масала ўз қонуний ечимини топмагач, адлия бошқармаси Тошкент вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди. Суд йиғилишида аризачининг талабларини қаноатлантириш рад этилди. Шундан сўнг аппеляция тартибида шикоят берилди. Шу йилнинг 15 сентябр куни вилоят хўжалик суди апелляция тартибида мазкур масалани қайта кўриб чиқди ва даъво аризасини қаноатлантирди. Шундай қилиб, жарима бекор қилинди.

Албатта, иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Лекин ҳамма гап ана шу хато ва камчиликларни ўз вақтида тўғрилаш, зарур хулосалар чиқаришдадир.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Yangilik

# ЛОМБАРДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ

**Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 сентябрдаги 402-сонли Қарори билан ихтисослашган ташкилотлар — ломбардлар давлат томонидан рўйхатга олиниши адлия идоралари зиммасига юклатилди. Адлия вазирлиги Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоятлар адлия бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳудудида жойлашган тегишли ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказилишини амалга ошириши белгиланди. Бунда қуйидагилар белгиланган:**

**— адлия идоралари томонидан ломбардлар давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўлов кунида қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баробар миқдорида давлат божи ундирилади;**

**— лицензия берувчи идоралар томонидан даъвогарнинг лицензияга ариза кўриб чиқилиши учун ариза берилган кунда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади;**

**— ломбард фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун тўлов кунида қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида давлат божи ундирилади.**

**Ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи маблағи белгиланган тартибда тақсимланади.**

**“Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом”, «Ломбардлар томонидан фуқароларга ўзларига тегишли буюмларни гаров тариқасида олиб кредит беришни амалга ошириш Қоидалари» ва “Ломбардлар томонидан ҳисобот тақдим этилиши Тартиби” Марказий банк томонидан белгиланган тартибда тақсимлаш учун ишлаб чиқилган.**

**Марат ЭШБЕКОВ**

